

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (11.193)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

**МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИДА ИМПОРТ ҲАМ ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА. БУНДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 йил 12 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ИЧКИ ТАРМОҚ ВА ТАРМОҚЛАРАО САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.**

### Фармон ва ижро

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ

Мазкур фармонга биноан юртимиздаги корхоналарнинг эҳтиёжлари учун, шунингдек, экспорт қилиш учун ускуналар, бутловчи қисмлар, қайта ишланган хомашё ва материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаётган корхоналарга солиқ ҳамда божхона соҳасида кенг имтиёзлар берилди.

Бундай имкониятлар эса корхоналарни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. "Тошкент трактор заводи" ошқ ақциядорлик жамияти (ТТЗ) мамлакатимиз аграр тармоғига техника етказиб беришда ўз ўрнига эга. Ҳозир бу ерда «ЎУ» хилдан ортик турдаги эҳтиёт қисм тайёрланмоқда.

Тармоқда маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилатгани туфайли қисқа даврда импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. "Тошкент трактор заводи" ошқ ақциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга кўра, шу лойиҳага қарийб қирқ турдаги бутловчи бўлган ва эҳтиёт қисмлар хориждан олинган эди. Ҳозир маҳаллий хомашё негизда 10 турдан зиёд тайёр маҳсулот, ускуналар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси учун гоёт зарур филдиректислар, трактор кабиналари ва куч узатувчи эҳтиёт қисмлар шулар жумласидандир. Таъкидлаш керакики, бу маҳсулотлар илгари бошқа мамлакатлардан келтирилган эди.

Маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётгани ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, янги иш ўринлари очиб ҳамда санаят маҳсулотлари ҳажмининг ошишига хизмат қилаётди. Жумладан, тўлиқ маҳаллий хомашёдан тайёрланаётгани учун янги дизайндаги трактор кабиналари сифатининг юқорилиги, таннархининг эса арзонлиги таъминланмоқда. Масалан, битта кабина учун сарфланадиган металл сарфи 50 килограммга

ча қамайдди. Шунингдек, Тошкент лак-бўёқ заводи ва Куvasой ойна ишлаб чиқариш корхонасидан техника учун зарур бўёқлар ва трактор кабиналари учун ойналар шартнома асосида олинмоқда.

Халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган бундай маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораётгани эътиборга моликдир. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши экспорт ҳажмининг ошишини таъминламоқда. Ҳозир Туркменистон, Қозоғистон, Озарбойжон каби



давлатларга маҳсулот экспорт қилиш йўлга қўйилди. Жумладан, «Туркманпахта» давлат концерни бюртмасига биноан Туркменистонга мингдан зиёд трактор тиркамаси етказиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили заводда ТТЗ-80.10 ва ТТЗ-80.11 каби етти хилдаги минглаб трактор ишлаб чиқарилиб, фермерларимизга лизинг асосида сотилмоқда. Эндиликда улар сафига завод муҳандис-конструкторларининг бир неча йиллик ишланмалари самараси бўлган янги авлод трактори қўшилди. Унинг техник кўрсаткичларини белгилашда замонавий машинасозликнинг энг сўнгги ютуқлари ҳисобга



олинган. Жумладан, янги трактор агрегатлари сонининг кўплиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Унинг осма тизимдаги юк кўтариш қуввати 3000 килограммга етказилиб, қўлай ва шина кабина билан жиҳозланди.

Завод маҳсулоти конструкторлик бюроси раҳбари Исроил Усмоновнинг таъкидлашича, қуввати юз от кучига тенг ушбу техника бирийўла бир неча вазифани бажаради: унга экскаватор асбоб-ускуналари, кранли осма тизим, бўлдозер қисмлари ва тиркама улаш мумкин. Бундай универсаллик эса истеъмолчилар талабини янада тўлароқ қондириш, маҳсулот нархини арзонлаштириш имконини бермоқда. Хорижда ишлаб чиқарилган тракторлар билан бемалол рақобатлаша оладиган ушбу техника давлат техника ва технология таъриба-синов марказида синовдан ўтказилиб, кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган бундай қуруқ, аниқ мақсадга йўналтирилган ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг жадал ўсиб, халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,  
 Ўза муҳбири

## ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯҚИНДА НАШРДАН ЧИҚҚАН "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ - ЕНГИЛМАС КУЧ" КИТОБИ МАМЛАКАТИМИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИ, КЕНГ КИТОБХОНЛАР ҲАМ ТАДБИРЛАР КАТТА ҚИЗИҚИШИ БИЛАН ҲАМ ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН**

Одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавиятнинг маъно-маъмуни ва у билан боғлиқ ҳаётий масалалар ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилган ушбу асар ўртага қўйилган мавзуларнинг долзарблиги, назарий ва амалий томондан гоётда муҳим концептуал фикр ва хулосаларга бойлиги, мушоҳада қамрови билан кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 9 июль куни ушбу китобни ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ва мазкур академия томонидан ташкил этилган тадбирда таниқли олимлар, файласуф ва сиёсатшунослар, ижодкор зиёлилар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Бевосита мулоқот ва самимий фикр алмашиш руҳида ўтган анжуманда бугунги шиддатли глобаллашув даврида бу китоб бекиёс аҳамиятга эга экани, унинг саҳифаларида миллий ўзлигимизни асраш, қўнға қадрият ва аёнчаларимизни, халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қалби ва онгини турли зарарли таъсирлардан сақлаш, маънавият соҳасидаги турли таҳдидларга ҳар томонлама тайёр туриш каби ниҳоятда ўткир масалаларнинг моҳияти чуқур очиб берилгани таъкидланди. Маънавий-маърифий тарбия жараёнида бу китобдан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Жойларда ушбу асарни ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича амалий ишлар режаси, зарур услубий тавсияларни ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилди.

(ЎЗА)

## ЗАҲИРИДДИН БОБУР ИЖДОИ АФҒОНИСТОНЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

рихий далиллар келтириб ўтилган қимматли манба, балки ўша даврнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзига хосликларини, шунингдек табиат ва жўғрофия ҳақидаги ноёб маълумотларни ўзида мужасам этган бетакрор асар ҳамдир.

М.Воҳидий буюк шоир ижодий мероси ва ҳаётини ўрганишда академик Х.Сулаймонов, С.Ғаниева, П.Шамсиев, Х.Султонов, З.Машрабов каби ўзбекистонлик олим ва ёзувчиларнинг хизматлари алоҳида эканини таъкидлаб ўтди.

Анжуман давомида Нурулла Талуконий, Муҳаммад Амин Андохий, Икром Ғавар, Раҳматилла Муниб ва А.Баҳман каби афғонистонлик олимлар маъруза қилдилар.

Афғонистонлик шоирлар ва Заҳириддин Бобур ижодини тадқиқ этувчи олимлар тадбир иштирокчиларига Афғонистонда Бобур ижоди ва фаолиятини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар, келгуси авлодларга унинг бебаҳо илмий ва

адабий меросини асраб-авайлаб етказиш борасидаги сайёҳаракатлар хусусида сўзлаб бердилар.

Семинар қатнашчиларига шунингдек, Бобур давридаги манбаларни ўрганиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Балх провинциясининг «Бобур» жамғармасига буюк бобоқалонимиз ижодий мероси, ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳикоя қилувчи турли илмий ва адабий адабиётлар тақдим этилди.

Тадбирда иштирок этган олим ва экспертлар ҳоқи Афғонистон заминиде абадий кўним топган Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро, Машраб каби улуг аждодларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган бу каби қўша семинарларни келгусида ҳам мунтазам ташкил этиб бориш зарурлигини қайд этдилар.

«Жаҳон» АА  
 Мозори Шариф

## Қасқа сатрларда

**ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси ташаббуси билан тадбиркорлар иштирокида КЕЧА уюштирилган тадбир тадбиркорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланди.

**МИРОБОД** туманидаги 154-мактаб қошида ташкил этилган «Болажон» оромгоҳида БУГУН туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Гафур Фулом номидаги маданият уйи ҳамкорликларида Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган тадбир ва концерт дастури «Ёз-ўтмоқда соза» деб номланди.

**БҒУГҲ** ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалла гузариде туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Буюк келажак фарзандлари» мавзуда ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати Ёшлар йилига бағишланди.

**КЕЧА** шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан уюштирилган тадбир-

да Божхона имтиёзларини қўллаб-қувватлашга доир Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ** 17 йиллиги арафасида Мирзо Улуғбек туманидаги Зиёлилар кўчаси ободонлаштирилди, мингдан ортиқ гул қўчатлари экилди.

**ТОШКЕНТ** шаҳар 7-клиник шифохонасига юзга хасталикларини самарали даволаш мақсадида замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

**КАФОЛАТ** Давлат ақциядорлик сугурта компаниясида уюштирилган тадбирда аҳолининг сугурта ёрдамига муҳтож қатламга шу кунгача 600 миллион сўмлик кўмак кўрсатилганлиги таъкидлаб ўтилди.

**МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳрга муҳтож, ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

**1-РЕСПУБЛИКА** Тиббиёт коллежиде битирувчи ўқувчиларга дипломлар топширилди.

**ТОШКЕНТ** Педагогика коллежиде ўқитувчилар ва битирувчи ўқувчилар иштирокида битирув кечаси уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

# ТАДБИРКОР

ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий механизмдан фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 2006 йил 17 июнь кўни «Бекзод қурилиш» ХК билан жавобгар «159» қурилиш трестининг 21-қурилиш бошқармаси ўртасида пудрат шартномаси тuzилган. Хусусий корхона шартномада кўрсатилган ишларни тўла бажарганига қарамасдан қурилиш бошқар-

қурилиш бошқармаси 853 900 сўм қарз суммаси ҳамда 22 278 сўм бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарфлаган суд харажатлари ундириб берилган. Кейинги пайтларда ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳам тадбиркорлик субъектлари манфаатини қўллаб-қўллаш сўғайиб қўлаб-қўллаб даъво аризалари билан мурожаат этмоқдалар.

### Ислохотлар оқимида

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

**ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАётган ҲУҚУҚИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МАВЖУД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ТУЗИМИНИНГ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗЛАРИНИ МУСТАҚАМЛАШ ҲИСОБЛАНАДИ.**

нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши сўраб судларга тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Айнан суд ҳосидидаги ислохотлар самараси ўларок, шаклланган ва фаолияти тобора такомиллашиб бораётган ҳўжалик судларида қўрилайётган ишларнинг сони кундан-кунга ошаётганлигининг ўзи фикримиз далилидир. Қувонарсиз шундаки, иқтисодиётда тобора етакчи кучга айланиб бораётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ҳуқуқ

маси иш ҳақини тўлиқ тўламаган ва шу сабабли хусусий корхона бузилган ҳуқуқини тиклаш масаласида Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган. Суднинг 2008 йил 5 мартдаги ҳал қилувчи қарори билан қурилиш бошқармаси юридик шахс мақомига эга бўлмагани сабабли, унинг юқори турувчи ташкилоти - «159» қурилиш трести» акционерлик жамиятидан ҳақдор «Бекзод қурилиш» ХК нинг

хусусий тадбиркор Т.Валиев 2007 йил 13 мартдаги 5 сонли шартномага ҳамда 2007 йил 10 августдаги шартномага қилинган 16 сонли қўшимчага асосан «Азимбек Капитал» хусусий фирмасига жами 28 275 000 сўмлик товар-моддий бойликларини етказиб берган. Бироқ, хусусий фирма товар пулини қисман тўлаш билан чегараланиб, қолган 5 275 000 сўм қарзини тўламай келган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хусусий тадбиркор Т.Валиев манфаатида ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган ва суднинг 2008 йил 27 мартдаги ҳал қилувчи қарори билан «Азимбек Капитал» хусусий фирмасидан хусусий тадбиркор Т.Валиевнинг фойдасига 5 275 000 сўм асосий қарз суммаси, тўловни кеңикитрилганлик учун 750 000 сўм пеня ҳамда 186 300 сўм бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарфлаган харажатлари ундириб берилган.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, кундан кунга кичик бизнес, тадбиркорлик субъекти иштирокчиларининг ҳуқуқий билим ва тушунчалари ошиб бориши уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаб етишларида муҳим омил бўлмоқда.

**Аскарали УМАРОВ, Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси**

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Пировард мақсадини иқтисодий йўналирилган барқарор бозор иқтисодиётини, очик ташқи сўвбатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат». Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини нақадар тўғри танлаганилиги ислохотларнинг изчил кечаётганлигида, ҳар бир ўзгариш аниқ мақсадини қўзлаган ҳолда, мукамал ишланган дастурлар асосида амалга оширилаётганлигида ўзифодасини топмоқда.


Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислохотларни фаол давом эттириш, шу асосда иқтисодиёт соҳасида ҳам бир қатор эркинликларнинг берилиши эса жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорларга нисбатан берилган яна бир имкониятидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда суд аввалгидек буйруқ асосида фаолият юритадиган жазоловичи тизим эмас, аксинча, ҳар бир инсоннинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи том маънодаги ҳокимиятга айланиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ҳамда турли мулк шаклидаги ҳўжалик юртурувчи субъектлар ўзла-

### Кичик ва хусусий бизнес

## Янгиликка интилишмоқда

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИБ, ШУ БОИС ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛАРИНИНГ САФИ КЕНГАЙИШИГА, ЯЛПИ МАҚСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДАГИ УЛУШИ ОРТИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.**



Ана шу эътибор туфайли, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлашлари боис тадбиркорларимиз йилдан йилга сон ва сифат жиҳатидан ўсиб бормоқда, улар ишлаб чиқараётган сифатли маҳсулотлар, рақобатбардор хизматлар тури кўпаймоқда. «SABATELLI UNIVERSAL SERVICE» хусусий корхонасининг ҳам фаолият бошлаганига кўп вақт бўлмасада, тадбиркорларнинг хизматлари мижозларга манзур бўлмоқда, янги замонавий дизайндаги тикув маҳсулотлари эса харидорини топмоқда.

—Ишимизни асосан аёллар учун кийим-кечаклар тикишдан бошладик. — дейди корхона раҳбари Владислав Сабателли. — Аҳолидан буюртмалар қабул қилиб, уни ўз вақтида сифатли адо этиш баробарида табиий чарм ва мўйнадан замонавий модадаги либослар билан бозорини таъминлашга ҳам ҳаракат қилишимиз. Албатта, келгусида ўз маҳсулотларимизни фирма дўконини очиб, харидорларга етказиб беришга интиламиз. Корхонада айни кунларда маҳаллий хом ашё—трикотаж мато-ларидан хилма-хил кийим-кечаклар тайёрлашга киришилди. Бу борада улар пойтахтимиздаги трикотаж матолари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Шунингдек, жинси матолардан ҳам ёшлар учун янги турдаги усти кийимлар тикиш ишлари режалаштирилган.

Режаларни амалга ошириш учун асосий эътибор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, цехларнинг янги тикув ва бичув дастгоҳлари билан жиҳозланиши ҳам кўзда тутилмоқда. Ушбу дастгоҳ ва турмалинлар Германиядан келтирилди. Албатта, тадбиркор жамоа аҳли аввало ички бозорда ўз ўрнини топишга интилади. Шунинг билан бирга чет эл бозорини ҳам ўрганиш асосида, кўшни давлатларга ўзларининг рақобатбардор маҳсулотларини экспорт қилишга мақсад қилишган. Изланишлари самара бераётганини шунда қўришиш мумкинки, пойтахтимизда ўтказилган кўргазма ва кўрик-танловларда фаол қатнашаётган жамоа аҳли тайёрлаган талаблар даражасидаги маҳсулотлар кўпчилигида қизиқиш уйғотмоқда. Шунинг учун бўлса керак, улар Президент соҳибони учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Миқдод туман босқичида голийбликни қўлга киритиб «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлишди. Бугунги кунда ана шундай ютуқ ва рағбатлар тадбиркор раҳбар ва жамоа ишчи-хизматчиларига яратилган яратилган мамлакат иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишга ундамоқда.

### Хунари гўзаллар

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОДА

**СОПОЛ ВА ЧИННИДАН ЯСАЛГАН БИРИ-БИРИДАН БЕЖИРИМ ВА ЧИРОЙЛИ ЭСДАЛИК СОҲБАЛАРИ КўПЧИЛИКНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТАДИ. УЛАРДА ҚўЛИ ГўЛ ХўНАРМАНДЛАР ДИДИ, ИЗЛАНИШИ, БИЛИМИ ВА МАҲОРАТИ ЯҚҚОЛ КўЗГА ТАШЛНАДИ.**

Мирзо Улўғбек туманида 4 йилдан бўён хўнармандчилик сир-асорларини мукамал ўрганишга интилиб, эски шарк миниатюраси асосида сопол ва чиннидан бетакдор эсдалик соҳбалари тайёрлаётган Иван Федичкин тарихий манбаларни ўрганади, шарҳона урф-одат ва анъаналарга эътибор қаратади. Шарқ афсоналари ҳақрамонлиги, эртаклардаги кифефаларни ўзи ясаган буюмларда акс эттиришга интилади.

—Хўнармандчилик бу шунчаки қизиқиш эмас, — дейди Иван Федичкин. — Аввало ясаётган ҳар бир маҳсулотга алоҳида меҳр билан ёндашиш керакки, ана шунда у қўнгилдагидак чиқадиган, кўпчиликнинг эътиборини ҳам жалб этади. Тўрт йилдан бўён шу хўнари эъзозлаб келаётган бўлсам, ҳар йили 40 тадан ортиқ турдаги маҳсулотларни тайёрлайман. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб тайёрлаётган буюмларимга ўзим тайёрлаган сифатли буюкларда сайқал берманам. Маҳсулотларим пойтахтимиздаги савдо шохобчалари, бадиий рассомлик салонлари орқали харидорларга етиб бормоқда. Шу кўнча сопол буюмлар тайёрлаётган бўлсам, эндиликда чинни маҳсулотлари асасини ҳам йўлга қўйдим. Албатта, чиннидан ясалган ва безак берилган эсдалик соҳбалари ўз жиҳоси билан ажралаб туради.

Иван Федичкин касаначилик асосида ҳам иш юритиб, «Совплластичал» қўшма корхонаси буюртмаларини ҳам сифатли бажариб бормоқда. Ҳозирда унинг икки нафар шо-гирди бўлиб, ёш уста уларга хўнар сирларини мукамал ўргатмоқда. Унинг жорий йилда тайёрланган «Шоҳаб-бос», «Бухоро амири», «Карвон», «Отликлар» деб номланган янги маҳсулотлари харидорларини топмоқда.

Хўнарманд уста Иван Федичкин Президент соҳибони учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Мирзо Улўғбек туман босқичида фаол иштирок этиб, кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлди. Унга «Энг яхши хўнарманд номинатси» бўйича 3-ўрин насиб этди. Бундан илҳомланган хўнарманд излашилари давом эттириб, янги турдаги маҳсулотлар яратиш устида ишламоқда.

**СУРАТДА: Иван Федичкин ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Наталья Семёнова олган сурат**

## Сўранг, жавоб берамиз

### ЛОЗИМ БўЛМАСА, ПУЛ САРФЛАМА

Нима учун тадбиркорга сотиш мумкин бўлган нарсагина пул сарфлаш кераклиги маслаҳат берилади. Бу борада нималарга эътибор қаратилади лозим?  
**Дилмурод Ҳакимов, коллеж талабаси**  
Авалло, шунга таъкидлаш лозимки, бизнес дунёсида математикадаги «аксиома»лар кам учрайди. Бироқ бизнес соҳасида ўзинга хос қондаларга амал қилинади. Сотиш мумкин бўлган нарсагина пул сарфланг—бу ана шу қондалардан бири ҳисобланади. Яъни бу дегани сотиш мумкин бўлмаган нарсага яқинлашманг. Бу қонданнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини ҳар бир машҳур бизнесмен айта олади. Негаки, ҳар бир катта иш одами агарда мақсуд қонданни унутса, зийн кўриши, афсусланиб қолиши аниқ. Лекин кейинги пушаймон ўзининга душман, дейишга донолар.  
Молиявий нуктаи назардан имкон қадар пулга яқинроқ ёки

шунга ўхшаш нарсани сотиб олишга харсжат қилиш керак. Пулнинг энг буюк қиймати шундаки, у ҳаммага керак, уни ҳамма вақт тоғарга алмаштириш мумкин. Юқоридаги қоида хоҳ кичик, хоҳ йирик бизнесмен бўлинг, барча учун аҳамияти беқийсдир. Ҳозирда тезда сотиб, пулга айлантириш мумкин бўлмаган мулк учун пулни музлатиб қўйиш ўта хавфли саналади. Ишни шундай ташкил этиш лозимки, зарур пулга тақдирда мулкни тез ва хар қандай йўқотиларисиз пулга айлантириш мумкин бўлсин. Бироқ бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун керакгина уйдабурун, тадбиркор бўлмоқ даркорки, юқоридаги қонданни ҳаммиса ёдда тутмоқ лозим. Фойда келтирмаса, демак бу бизнес эмас. Шунинг учун ҳам бир нарсани сотиб олаётганда мукамал йўлаш лозим. Унинг устига қўйиш мумкинми? Сотиб оладиган одамлар борми? Бу саволларга «ха» жавоби бўлсагина, ҳеч иккитанмасдан сотиб олинг. Мулкнинг қиймати қисман унинг сотилиш имкониятига боғлиқ. Сирасини айтганим бўлсак, беҳўда, яъни бўлар-бўлмаган пул сарфлаш бемаъноликдир. Баъзилар бирон бир товари керак бўлмаса ҳам арзонлиги учун ёки ўз бойлигини кўрсатиш мақсадида сотиб олади ёҳуд бошқалар олаётгани учунгина харид қилишади. Нима бўлганда ҳам ҳақиқий тадбиркор зарур жойга пул сарфлайди. Улар «Агар лозим бўлса, хар қандай катта пулни айма, лекин зарурат бўлмаса, сариқ чақа ҳам сарфлама» деган ширга қатъий амал қилишга ва шу боис ҳам ютишади.

### Интилганга толе ёр

## ШОГИРДАЛАРГА ўРГАТМОҚДА

**ХўНАРЛИНИНГ ҚўЛИ ГўЛ, ДЕЯ ТАЪРИФ БЕРИШАДИ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. ЧУНКИ ЧИНДАН ҲАМ ХўНАРМАНД УСТАЛАРИМИЗ ЯРАТГАН МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, ШАРҚОНА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ АКС ЭТДАН РАНГ-БАРАНГ МАҚСУЛОТЛАР БУНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ ТУРАДИ.**

Албатта, истиклолимиз йилларида хўнармандларнинг излашилари янада самарали бўлиб, интилишлари буй кўрсатдики, бу уларга ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан кўрсатилган гамхўрлик самараси, яратилган имтиёзлар, қўллаб-қувватлашлар натижаларидир.

—Маҳсулотларимиз сифати, дизайни ва рақобатбардорлиги билан ажралаб туради, — дейди хўнарманд Дилшод Қосимов. — Айниқса, йиғма маҳсулотларимиз қўлай ва енгиллиги, олиб юришда афзаллиги, кам жой эгаллаши билан ажралаб туради. Товарларимизга нафақат ички бозор, балки кўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Айни пайтда цехда меҳнат қилаётган шоғирдарларимизнинг барчаси хўнарга қизиққан, файратли йитилар. Келгусида эса фирмани кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринлари яратишни режалаб турибмиз.

Ҳар бир маҳсулот дизайнини хўнармандининг ўзи яратди. Маҳсулотлар пойтахтимиздаги «Ўрикзор», «Кўйлик», «Чилонзор» бозорларидаги дўконлар орқали харидорларга сотилади. Янги-янги маҳсулотлар яратиш устида тинмай изланаётган дурадгор уста Дилшод Қосимов келгусида шоғирдарлари сифатини янада кенгайтириш, ёшларни хўнарга жалб этишни ният қилган. У кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда «Муруват уй»ларида тарбияланаётган

ўсимларга устозлик қилиш мақсадида янги цех очишни режалаштирмоқда. Бунинг учун эса айни пайтда жой масаласи муаммо бўлиб турибди. Ана шу муаммонинг ечимини топишда мутасаддилар хўнармандини қўллаб-қувватлашса, унинг ниятлари амалга ошииб, ишлари янада бароридан келиши, шубҳасиз.  
**Дилноза СОДИКОВА СУРАТДА: хўнарманд Дилшод Қосимов (ўнгда) шоғирди билан тайёр маҳсулот сифатини кўздан кейчирмоқда. Хусанбой Аввалов олган сурат**

## Иқтисодиёт

### ДАСТУРХОНИМИЗ КўРКИ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҚСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР, АЙНИҚСА, РИЗҚ-РўЗИМИЗ ҲИСОБЛАНГАН НОН ВА НОН МАҚСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИНГ БОЗОРИМИЗДА МУҲИМ ўРНИ ЭГАЛЛАШЛАРИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Ризқ-рўзимиз» хусусий корхонаси жамоаси ҳам аҳоли дастурхонига сифатли, хуштаъми, тўйимли нонлар ҳамда кўллаб турдаги нон маҳсулотларини етказиб бериш йўлида файрат-шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Корхонанинг ишчан раҳбари ёш тадбиркор Саидвали Рискйев аввалига уч нафар новвойлар билан иш бошлаган бўлса, ҳозир, бу ерда 14 нафар ёшлар фаолият кўрсатишмоқда.

Цехда ўрнатилган Германия ва Россия давлатларидан келтирилган печ, дастгоҳ ва ускуналар мададида жамоа аҳли 20 хил турдаги бири бирдан мазабли нон ва нон маҳсулотлари (оби нон, батон, булочкалар, парҳез нонлар, тешиккулча ҳамда бойитилган ундан турли печеньелар) ишлаб чиқаришмоқда ҳамда ҳамшаҳарларимизга етказиб берилмоқда.

Жорий йил охиригача корхона тадбиркорлари яна бир неча хил турдаги шифобахш нонлар ишлаб чиқаришни, уларни герметик қадоқлаб, савдо дўконларига етказиб беришни ўз олдиларига мақсад қилишган. Айни кунларда икки турдаги янги печеньелар тайёрлаш жараёни охирилб бормоқда.

### ЧИРОЙЛИ, БЕЖИРИМ ҚАДОҚЛАНГАН

**ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ КИЧИК КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТИЛАРИНИНГ САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА. УЛАР ОРАСИДА ЁШЛАРИНИНГ ўз ўрни борлиги, айниқса ҚУВОНАРЛИ.**

2003 йилда хусусий тадбиркор сифатида ўз фаолиятини бошлаган Баҳром Ахмадхон ҳозирда хорижий дастгоҳ ва ускуналарнинг юксак самарасига таянган ҳолда уч нафар ишчилари билан 20 турдаги сифатли маҳсулотлари билан ички бозоримизда ўз ўрнига эга бўлди.

Булар шампун ва ювиш воситалари бўлиб, чиройли, бежирим, асосийси, қўлай ҳажимларда қадоқлиниб савдо шохобчаларига чиқарилаётган «SOLLO-LUX» ювиш воситаси, «BRAVO», «VESTA», «PERLA», «Фантазия» шампунлари харидоригрилиги билан мижозларни мамнун қилмоқда. Жорий йил бошида эса изланувчан тадбиркор сый-ҳаракати билан сочи профилактика қилишга мўлжалланган махсус соч ювиш воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

### Француз тилидаги ҚўЛЛАНМА

**ДАРЕЛАР СОҲИЛЛАРИДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ўРГАНИШДА ўЗБЕК ИРРИГАТОР ОЛИМЛАРИ ҲАМ ФАОЛЛИК КўРСАТИБ КЕЛИШМОҚДА. ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАР КАФЕДРАСИДА БУ МАВЗУ АТРОФЛИЧА ТАДҚИҚ ҚИЛИНМОҚДА.**

Кафедра мудири, профессор Машраб Бакиев ҳам ушбу муаммога қўл уриб, яхши самарадорликка эришди. Эндиликда бу тадқиқотдан Мали республикасидаги техника олий ўқув ортида ҳам фойдаланишмоқда. Гап шундаки, ўзбек олимни Мали республикасида илмий сафарда бўлиб, француз тилида машгулотлар олиб борган. Гидротехникага доир ўқув қўлланмаси француз тилида чоп этилган. Бу китоб Мали техника олий ўқув ортида ҳам қўлланилаётганини айтиб ўтиш жоиздир.

### Тиббиёт

## ОЛИМ НОМИДАГИ ПРЕПАРАТЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ «БОТАНИКА» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ОЛИМЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН ТУРЛИ-ТУМАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ. БУ ХИЛ ШИФОБАХШ ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ КўПЧИЛИГИ ТАЙЁР ДОРИ СИФАТИДА БУЮРТМАЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА.**

Бунда марказ ҳузурда фаолият кўрсатаётган «Салваре» масуляти чекланган жамиятининг хизмати катта бўлмоқда. «Сафо Ҳожиматов Йиғмаси» ҳам корхона маҳсулоти сифатида оммалаштирилди. Ошқозон-ичак, ўт пуфаги фаолиятини яхшилашда ҳам бу йиғма катта фойда қилади. Шунингдек, қанд касаллигини тузатувчи «Қаҳорин» дори ҳам чиқарилмоқда.

### Транспорт

## Бой тажрибалар Тўпланди

**«ТОШШАҲАРАВТОБУСТРАНС» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДА ўНДАН Ортиқ АВТОБУС САРОЙИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. 2-АВТОБУС САРОЙИ ЭСА УЛАР ОРАСИДА БАЙРОҚДОРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Бу жамоат ташкил топганига 50 йил бўлди. Шу ўтган ярим асрлик фаолият давомида автобус йўловчи ташвиш хизматига замонга мослашиб, янгиликларни амалиётга татбиқ қилишда ҳам кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди.

Тошкент аҳолисига 130 йўналишда автобус хизмати кўрсатиб келаётган «2-автобус саройи»да техникавий тадбирларни амалга оширишда ҳам бой тажрибалар тўпланди. Шу сана муносабати билан корхонанин тажрибали ходимлари муносиб тақдирландилар.

**Акбар АЛИЕВ**



Оз-Оз Утганиб
Домо Булув...

МАШРИҚЗАМИН —
ХИКМАТ БУСТОНИ

АМИРИЙ
ХИКМАТЛАР

Гар десанг, бошга маломат туфроғи
сочилмасун,
Жуди Хотамдин гар эрмассан гадо, қилма
тамаъ.

Аҳли дунё мажлисида қилма арзи
эҳтиёж,
Ҳар неча муҳтожсен оламда, истиғно
керак.

Оқил улдурким, жаҳон асбобиға бермас
кўнгул,
Кимса андин кўрмади ранжу
машаққатдин бўлак.

Тарбият қилгон била бадасл бўлмас
одамий,
Ипни юз алвон ила ранг этса бўлмастур
ипак.

Замона маҳфилидин шодлик тамаъ қилма,
Шароби қондин эрур, нағмаси садойи
таранг.

Бир кўнгул озоридин бўлди жаҳон зеру
зебар,
Кўп дилозор ўлма, гирудордин андиша
қил.

Эйки, бордур жавр — ишинг, зулму ситам
қилмоқ — фанинг,
Элга кўп қахр айлама, Қаҳқордин андиша
қил.

Қаноатпешага роҳат эрур оламда
қаттиқлик,
Таажуб қилма, гар бўлса хумоға
устихон ширин.

Ишқ дардин чекмаган дахр ичра одам
бормикин?

Бу гулшаннинг гулу сунбулида ҳаргиз
вафо йўқтур,
Фигон қилма, эй кумрию эй булбул наво
чекма.

МАҲМУД
ЗАМАХШАРИЙ

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш ту-
тадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшита-
диган бўл, агар зийфати меҳмондорчиликка қақи-
рилсанг, унда ўзинг биласан.

Агар бирор қайғу-алам юз бергани ёки
таъзияли жойни эшитсанг, дарҳол у ерга
бор, агар зийфати меҳмондорчиликка қақи-
рилсанг, унда ўзинг биласан.

Одамларнинг энг хотири кучлиси улар-
нинг ичидидаги энг унутувчисидир, кўнгил-
ларнинг энг юмшоғи салобатлигию шафқ-
атлисидир.

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфрон-
наи неъматдир, ўйламасдан бойлигини сар-
флаш тўлиқ таназзулга олиб келади.

Подшоҳнинг энг яқин кишиси яқинлар-
нинг ичидидаги энг улуғидир, хавф-хатар пай-
тларида уларга яқинроғидир.

Тоғнинг энг чўққисига чиққан киши ун-
дан йиқилувдан гоят кўп огоҳ бўлмоғи ло-
зим.

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бир-
ор хибнат қилса, унга яқинлашишдан ўзин-
гни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни
муҳофаза этишга ҳаракат қил.

«ДИҚҚАТ ПИЁДА» ТАДБИРИ
ЎТКАЗИЛМОҚДА

СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ 70 ФОИЗИ ПИЁДАЛАР
АЙБИ БИЛАН СОДИР ЭТИЛМОҚДА. БУНДАЙ НОХУШ
ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР
ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ
ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН 7-17 ИЮЛЬ
КУНЛАРИ ПОЙТАХТДА «ДИҚҚАТ ПИЁДА» АКЦИЯСИ
ЎТКАЗИЛАЁТИР.

Эрта тонгданок ҳар биримиз
ишга, ўқишга ёки турли таш-
вишлар билан йўлга отлана-
миз. Бунда транспорт восита-
си хизматидан фойдаланамиз

ганлиги ҳам қувонарли ҳол.
Бундан ташқари, ўн кун давом
этадиган «Диққат пиёда» тад-
бирида маҳаллалар, барча ав-
тотранспорт корхоналари,



ёки чорраҳадан кесиб ўтишга
тўғри келади. Агар йўл қоида-
си белгиларига эътиборсизлик
билан қаралмаса бир қатор
кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди
олинади. Йўл ости йўлларидан
оқилона фойдаланмай,
йўлнинг катта қисмидан ўтиш
оқибатида бахтсиз ҳодисалар-
га дуч келинади. Гоҳида вақт-
дан ютиш учун эринчоқлик
қилиб, ўз саломатлигимизни
хавф остига қўямиз.

қолаверса бо-
шқа жамоат
ташкilotлари
ҳам пиёда-
лар, айниқса
ёш болаларни
йўлларда
бахтсиз ҳоди-
саларга учра-
маслиги учун
тарғибот-таш-
викот ишлари-
ни олиб бора-
ётир.

Шунингдек,
тадбир даво-
мида марка-
зий чорраҳа-
ларда хизмат
вазифалари-
ни ўтаётган

ЙХХ ходимларига пойтахтдаги
ватанпарвар, спорт техник
клуби ёшлари ҳам яқиндан
ёрдам беришмоқда. Йўлларда
учрайдиган кўнгилсиз ҳодиса-
лар ҳар доим ҳам ҳайдовчи-
нинг айби билан содир бўла-
вермайди. Бир қараганда ар-
зимас бўлиб кўринган йўл
қоидасига риоя қилишимиз
авваламбор, ўзимиз ва ён а-
трофимиздаги инсонларнинг
соғлиғига бефарқ эмаслиғи-
мизни кўрсатади. Бу сингари
тадбирлар шахримиздаги бах-
тсиз ҳодисаларнинг олди оли-
нишида муҳим аҳамият касб
этади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

ТОШКЕНТДА АВСТРИЯДАН ХИТОЙГА АВТОМОБИЛДА ЙЎЛ ОЛГАН БИР
ГУРУҲ САЙЁҲЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ. ПЕКИНДА БЎЛИБ
ЎТАДИГАН ЁЗГИ ОЛИМПИАДАГА АВСТРИЯ ТЕРМАСИНИНГ БАЙРОҒИНИ
ТАРИХИЙ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ЕТКАЗИШ НИЯТИДА БЎЛГАН ТЎРТ
«ЖИП»ДАГИ САККИЗ САЙЁҲ ЎЗ РЕЖАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИ.

ВЕНАДАН ТОШКЕНТ ОРҚАЛИ
ПЕКИНГА

Австриянинг «Backaldin» компанияси
ҳомийлигида ўтаётган автопойга қатнаш-
чилари билан бўлиб ўтган учрашувни пой-
тахтимиздаги «Евроснаб Ташкент» кор-
хонаси ташкил этди. Австриянинг
«Silkroad Challenge 2008» 13 июнь кунини
йўлга чиққан эди. Машхур сайёҳ Марко
Полонинг издошлари бўлмиш ушбу йўлчи-
ларнинг сафари 8 август кунини Пекинда
ниҳояланади. Сайёҳлар юртимизга етиб
келгунларига қадар Италия, Греция, Тур-
кия, Эрон, Туркменистондан ўтишди. Ав-
стрия жамоаси Тошкентга етиб келгунга
қадар Бухоро ва Самарқандда бўлишди.

қадимий обидалар кўп. Халқингизнинг
меҳмондўстлиги ва очикқўнгиллиги мени
жуда лол қолдирди. Кўрган-кечирганла-
римиз Ўзбекистон тўғрисидаги таассур-
отларимизни буткул ўзгартириб юбор-
ди.
«Silkroad Challenge 2008» жамоаси юр-
тимиз сарҳадларини босиб ўтганидан
сўнг Қозоғистон ва Қирғизистон орқали
Хитойга сафарини давом эттиради. Жа-
нубда тоғлар ва чўллар билан ўралган
Тоғли Макон минтақасида Хитой чегара-
си кесиб ўтилади. Пекингга 5 минг кило-
метр масофани кўрсатувчи ушбу ҳудуд,
сайёҳларнинг таъкидлашича энг мурак-
каб минтақалардан биридир. Улар Олим-
пиадага етиб боргунларига қадар авто-
мобилда 13 минг 539 километр ва ден-
гиз орқали 1 минг 600 километр йўлни
босиб ўтади.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТ ВАКИЛЛАРИНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА
ВЕЛОСПОРТ БЎЙИЧА
УЮШТИРИЛГАН
МАМЛАКАТ
БИРИНЧИЛИГИ
МУСОБАҚАЛАРИ
ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛГАН
СПОРТЧИЛАРГА ОМАД
КЕЛТИРДИ.

150 километр масофа-

да ўтказилган гуруҳ пой-
га баҳсларида маррага
биринчи бўлиб етиб кел-
ган Константин Калинин
ҳамда унинг жамоадоши
Азиз Абдурахмоновлар
биринчи, иккинчи ўрин-
ларни эгаллашган бўлса,
тошкентлик Юрий Изолжа-
тов учинчи ўрин билан ки-
фояланди.

250 километр масофа-
га бўлган пойга баҳсла-
рида эса ҳамшаҳримиз
Элдор Мукменовга тенг
келадиган рақиб топил-
мади. Пойтахт шарафини
ҳимоя қилаётган Юрий
Изолжатовга иккинчи
ўрин насиб этган бўлса,
Константин Калинин учин-
чи ўринни банд этди.

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДА СУЗИШ БЎЙИЧА РОССИЯ ОЧИҚ
ЧЕМПИОНАТИ УЮШТИРИЛДИ.

Унда иштирок этган ҳамюртимиз Олег Ляшко юз метрга батерфляй усулида
сузиш баҳсларида муваффақият қозониб Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтадиган
Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, ҳозирда мамлакатимизнинг етакчи ракетка усталаридан бири ҳисоб-
ланган Оқгул Омонмуродовага ҳам Олимпиада ўйинлари йўлланмаси насиб этди.
(Ўз муҳбиримиз)

Мутахассис маслаҳати

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚУЁШ НУРИ...

САРАТОННИНГ ОТАШНАФАС ҲАРОРАТИ ДАЛА-Ю,
ДАШТДА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТ
ЮМУШЛАРИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН КИШИЛАРНИ ГАНГИТИБ
ҚЎЯДИ. БИР ПАРЧА САЛҚИН, СЎЛИМ ЖОЙДА ОДАМ БИР ОЗ
ТИНИМ ОЛИБ, НАФАСИНИ РОСЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИ
ТАБИИЙ ҲОЛ.

Ёз чилласида атроф қизиб,
кўёшнинг тигиз нуридан, «ла-
қиллаб» турган ҳаводан ис-
сиқлиниш ҳолатлари содир
бўлиб туради. Ҳарорати ба-
ланд бўлган хоналарда иш-
лаш, айни ёз паллаларида
хийла узок вақт давомда эр-
кин ҳаво алмаштириш имкон
бермайдиган кийим кийиб
юриш, ўз вақтида сув истеъ-
мол қилмаслик каби ҳолат-
лар кишини иссиқлинишга
олиб келади. Иссиқ уриши,
аксарият ҳолларда ҳаво
ҳарорати узок вақтгача 35-
45° бўлганида содир бўлади.
Ҳаво ҳарорати баланд ва ат-
роф дим бўлганида тананинг
қизиб кетиши, гарақ-гарақ
терлаш натижасида аъзолар
сувсизланади, қон қуюқла-
шади, организмдаги маъдан
тузлар мутаносиблиги ўзга-
ради, кишини иссиқлик ура-
ди. Иссиқ уришининг оғир
кўринишларида тўқималарда,
кўпинча мия тўқималарида,

кислород танқислиги содир
бўлади. Шуни қайд этиш
лозимки, ёш болалар ёки
катта ёшлилар, шунингдек,
асаб хасталиклари бор
бўлган беморларда терморегу-
ляция жараёни (яъни ҳаро-
ратни идора қилиш) етарли
даражада бўлмайди. Иссиқ-
дан тоқатсизланган одам ло-
хас бўлади, боши гангиб
оғрийди, кўнгли озади, кўзи-
нинг илғашы пасайиб кета-
ди. Иссиқлиниш асоратида
бўлган кишининг гавда ҳаро-
рати 38-40 бўлганда теридан
ёпишқоқ тер чиқади, бола-
ларда юриш дадил бўлмай-
ди, кўзи тиниб йиқилиши
мумкин. Иссиқ урганда мур-
ғак болаларда томир торти-
шиш ҳолатлари ҳам содир
бўлади.

Одамда иссиқ уриш содир
бўлдики, зудлик билан тиб-
бий муассасаларга, шифо-
корга мурожаат этиш зарур.
Дастлабки ёрдамда беморни

салқин ерга олиб ўтказила-
ди ёхуд бирор мато билан
соя тортилиши даркор. Бе-
морнинг бошига совуқ сувда
хўлланган доқа ёки лахтақ
қўйилиши тавсия қилинади.
Яхшиси, беморнинг йирик
қон томирлари ўтадиган жой-
лар, жумладан, бўйиннинг
икки ёни, қўлтиқ томонида
совуқ сув солинган шиша
қўйилса мақсадга мувофиқ
бўлади. Иссиқ урган бемор-
ни сувга хўлланган чойшаб-
га ўраш ижобий натижани
кўрсатади, чунки ундаги на-
млик буғланиб гавда ҳарора-
тини пасайтиришга яхши
омил бўлади. Одатда иссиқ
урган кишининг кийим ёқала-
ри бўшатилади, устки кийим-
лари ечилади, тоза сув билан
пуркаланадиган бўлса,
беморга энгиллик беради.
Мабодо бемор руҳини йўқот-
ган бўлса, ёнбоши билан
ётқизилади.

Иссиқ урган беморга маъ-
дани сув, олчалли, тоғолча-
ли чули ёхуд салқинда сақ-
ланган чалоб ёки айрон бе-
рилиши уни тетиклаштириш-
га ёрдам беради, иссиқла-
ниш дала-ю, даштда бўлса
ялпизли чой нохуш кайфият-
дан ҳоли этиб, юрак ишига
далда беради.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

«01»

МОЛ-МУЛКИМИЗНИ ЎТ
БАЛОСИДАН АСРАЙЛИК

ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИ, ОЧИҚ МАЙДОН ВА ТУРАР
ЖОЙ МАВЗЕЛАРИДА СОДИР БЎЛАЁТГАН КЎПГИНА
ЁНГИНЛАР МОДДИЙ ЗАРАРДАН ТАШҚАРИ ИНСОН
САЛОМАТЛИГИ УЧУН ҲАМ ЗАРАРЛИ БЎЛГАН
ҲОЛАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА.

Шайхонтохур туманида юз бераётган ёнгинлар асосан турар
жойларда, уларнинг аксарияти эса эҳтиётсизлик оқибатида келиб
чиқмоқда. Хусусан, Шайхонтохур тумани ҳудуди бўйича жорий йил-
нинг ўтган 6 ойи мобайнида 104 та ёнгини назоратсиз бўлиб, энг ачи-
нарлиси, ёнгинларда 3 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олган
ва 3 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Етказилган моддий зарар
эса 3723565 сўмини ташкил этади. Масалан, 15 май кун Узғариш
кўчаси, 40а-уйда очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланили-
ши натижасида ёнгин содир бўлиб, ён кўшиги хонадонига ҳам
ўтиб кетиб, кўшни хонадоннинг дарвозахона йўлаги, том ва ички
қисми ҳамда дарвозахонадаги АЗЛК-«Москвич» автомобиллари бу-
тунлай ёниб кетган.

16 июнь кунини Кўрғонча кўчасидаги «Шайхонтохурмаҳсустрас-
с»га қарашли 17-сон ахлат йиғиш майдонини назоратсиз қолдирили-
ганида фуқаролар томонидан бу ерга очқ олов ёки чўғ ташлаши-
ши оқибатида ёнгин ёнида жойлашган хусусий баллон ямаш уста-
хонаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси би-
ноларига ўтиб кетиб, уларнинг ички жиҳозлари бутунлай ёниб
кетган.

Баъзи ҳолатларда ёнгин чиқишига лоқайд ота-оналар ҳам са-
баб бўлишмоқда. Айниқса, болаларнинг қаровисиз қолдирилиши
натижасида ёнгин содир бўлиши ҳолатлари кейинги пайларда
кўплаб кузатишмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш
ҳамда турар жой биноларининг ёнгина қарши ҳолатини мустаҳ-
камлаш борасидаги ишларга маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари
ҳам эътибор қаратса ўз уларимизни, мол-мулкларимизни ва фар-
зандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлар эдик.

Алишер ЭҒРАШЕВ,
Шайхонтохур ТИИБ ЁХБ
инспектори, катта лейтенант

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр
энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг,
кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб
қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.
Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўлов-
ларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва
ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада
ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъ-
мол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда
бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танло-
вига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида,
тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида
амалга оширилади.

Фақат умумий сай-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, бар-
чамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самара-
дорлиғига эришишимиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3189 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32